



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСІЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 38 (9.382) 2000 йил 31 март, жума

Сотувда эркин нархда

ОСИЁ ТЕННИС ФЕДЕРАЦИЯСИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Мухтарам хонимлар ва жаноблар!
Қадри дўстлар!
Ўзбекистон диверсия ташир буюрган сиз, Осиё Теннис Федерацияси вакиллари чин қалбидан самимий кутлайман.

Мазкур анжуманинг Тошкентда ўтказилишини мамлакатимизда теннисни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга берилган юксак баҳо ва ўзбек спортчилари кўлга киритаётган ютуқларнинг Осиё Теннис ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши, деб қабул қиламан.

Бугунги кунда Ўзбекистонда теннис миллионларнинг севили машғулотига, миллиони соғломлаштириш, баркамол авлодни вояга етказиш омилига айланиб қолди.

Ўзбек қизи Ирода Тўлаганованинг Осиё мамлакатлари вакиллари ичида илк мартаба халқаро Уимблдон турнирининг ғолиби бўлиши кўпчиликнинг катта ютуғи сифатида қабул қилинган юртдошларимизда фахр ва мамнуният туйғуларини уйғотди.

Бу ғалабаларнинг барчаси мустақиллигимиз самараси, Ўзбекистоннинг Жаҳон, Осиё ва миллий теннис федерациялари билан ўрнатган ўзаро ҳамкорлиги маҳсулидир.

Сизларнинг сай-ҳаракатларингиз туфайли бу аjoyиб спорт тури кўпчилик давлатларда муваффақиятли ривожлантирилган алоҳида кайд этишни истар эдим.

Ишонамки, Тошкент анжумани Осиёда теннисни янада юксалтиришга, кўпчиликнинг дунёдаги мактеби мустақиллигимизга салмоқли хисса қўлади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, анжуман ишига муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Газетанинг шу сонига

ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИС РИВОЖЛАНГАН НУФУЗЛИ МАМЛАКАТ

Юртимизда тенниснинг йил сайин ривожланиб бораётгани дилларни қувонтирмакда. Айниқса Осиё теннис федерациясининг бу йилги анжумани мамлакатимиз пойтахтида ўтказилиши тўғрисида қарор қилингани, бу борада мустақил юртимиз ушбу номзод давлатлардан ўтиб кетгани ҳам фикримиз далилидир.

Ўтган кун «Шератон» Тошкент» меҳмонхонасида Осиё теннис федерацияси конференциясига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда тенниснинг ривож, кейинги пайтда эришган ютуқларимиз салмоқлидир, — деди жумладан матбуот конференциясини очар экан Бош вазир ўринбосари Хамидулло Кароматов. — Юртимизда теннис федерациясига аъзо бўлганда сўнг ўтган 9 йил ичида республикамизда 500 та очик ва ёпик теннис кортлари қад кўтарди. Ушбу жаҳон андозлари талаблари жавоб берадиган спорт иншоотларида тарбияланган ёшлардан жаҳон теннис юлдузлари этишиб қиқшишга шубҳа йўқ. Бу ютуқларнинг замирида Президентимизнинг республикамизда теннисни тарғиб қилиш ва ривожлантириш борасидаги қамқорликлари ва сай-ҳаракатлари ётибди.

Президент Ислом Каримовнинг Осиё теннис федерацияси ижроия қўмитаси мажлиси қатнашчиларига мурожаатини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтатўла Рискиев ўқиб эшиттирди.

Сўнг журналистларни қизиқтирган саволларга мутаассиллар жавоб қайтаришди. Осиё теннис федерациясининг президенти Ичи Каватеи ўз жавобларида ушбу анжуман Марказий Осиё республикалари ичида Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётганини алоҳида таъкидлаб, конференция давомида минтақада теннисни ривожлантириш бўйича кўпгина масалалар кўриб чиқирилиши, демаски, ушбу ҳудудда спортнинг ушбу оммавий тури янада ривожланиши учун муҳим

омил туғилишини қайд этди.

Ўзбекистонда Президент Кубогини, Тошкент Оупен аёллар турниридан бошқа йирик халқаро мусобақалар ўтказиш учун шарт-шароитлар яратилгани, мамлакатимиз теннисчилари жаҳоннинг энг яхши теннисчилари каторига кириши тўғрисида ишон билдириди.

Ешлар ўртасида Уимблдон турнирининг ғолиби бўлган ўзбекистонлик теннис юлдузи Ирода Тўлаганова Юртимизнинг спортчилари ҳамжамиятига кўп миннатдорчилик билдириб, яратилган шарт-шароитлар, муҳим эътибор янги ғалабалар сари ундаётганини айтиб ўтди.

Матбуот анжуманида Бош вазир ўринбосари Мирабдор Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов иштирок этди.

КЕЧА

«Шератон» Тошкент» меҳмонхонасида Марказий Осиё теннисни ривожлантиришга бағишланган Осиё теннис федерациясининг йилги анжумани бўлиб ўтди. 25 Осиё давлатидан келган 30 нафар иштирокчи қатнашаётган ушбу нуфузли анжуманда Осиё теннис федерациясининг президенти Ичи Каватеи, Осиё теннис федерациясининг ижроия директори Дэйв Мели ва бошқалар сўзга чиқиб кўпгина ҳакамлик, маркетинг масалаларини ривожлантириш, АТФ ва ИТР турнирларининг ташкил этилиши, 2001 йилдаги йиллик анжуманга тайёрларлик, Сиднейдаги олимпиадада ўйналарганига қатнашувчи Осиё теннисчиларига тегишли шарт-шароитлар яратиш, ИТР турнирларидасида ўтказиш, ёшлар ва фахрийлар мусобақаларини йўлга қўйиш тўғрисида тўхталиб ўтишди. Шунингдек, Осиё кўпчилигида теннисни янада ривожлантириш юзасидан турли-туман тавсиялар билдирилди.

Кўпчилик изовчи яқинда анжуман қатнашчилари шахримизнинг диққатга сазовор жойлари, спорт иншоотлари билан танишиб, уларга юқори баҳо бердилар.

Осиё теннис федерациясининг йилги анжумани ўз иштини якунлади, унинг иштирокчилари эртага Самарқанд шаҳрига саёҳат қилишди.

Бугун
Осиё теннис федерациясининг йилги анжумани ўз иштини якунлади, унинг иштирокчилари эртага Самарқанд шаҳрига саёҳат қилишди.

Ўзбекистонлик теннис юлдузи — халқаро Уимблдон турнирининг ғолиби Ирода Тўлаганова.

КУН ТАРТИБИДА — ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган йилги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сўхондорё виллоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб вазифаларига бағишланди. Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов йилги нутқини бошқарди.

Давлатимиз раҳбарининг виллоят сессиясида сўзлаган нутқи видеотасмасини томоша қилганларидан сўнг йилги катнашчилари виллоятнинг айрим тармоқларидаги камчилик ва нуқсонлар шў жумладан Тошкент шаҳрида ҳам мавжудлиги, умум ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ўз таъсирини сўзаси кўрсатиши мумкинлиги тўғрисида яқдил фикр билдириб, ана шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир раҳбар фаолиятида мана шундай хатоларга йўл қўймайлик учун

ўзига керакли ҳулосалар чиқариб олиши зарурлигини айтди.

Йилгида барча тармоқлардаги ишлар синчиқлаб таҳлил этилди, ижтимоий ва маиший соҳалардаги нуқсонлар, кадрлар тайёрлаш масаласидаги долзарб вазифалар таъкидланди. Иқтисодиётнинг айрим тармоқларидаги аҳолининг сабаблари алоҳида қайд қилинди, ислохотларни чуқурлаштириш, саноат корхоналари ишлаб чиқариши қувватини ошириш, бозор иқтисодиётини ривожлантиришда қатъиятлик йўлининг жорий этилиши зарурлиги, қонунчилик, молия, ўзаро ҳисоб-китобларни, меҳнат интизоimini мустаҳкамлаш, импорт ўрнини босадиган ва рақобатбардош маҳсулотларни маҳаллий хом ашёдан кўпроқ фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришга эътибор қаратилди.

Билдирилган тақдирлар ва эътирозларни ҳисобга олган ҳолда йилгида шаҳарни бундан бўён ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгиланди.

Яқинда пойтахтимизда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан аънавий IV Тошкент савдо-саноат ярмаркаси ўз ишини бошлади. Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Аневар Йўлдошев билан сўхбатимиз ана шу ҳақда бўлди.

Ярмарка корхоналарнинг бозор иқтисодиёти шариоитида ўз ўрнини ва ўз истеъмолчинини топишда катта аҳамиятга эгадир. Агар корхона ярмаркада биринчи мартаба иштирок этаётган бўлса, бу ерда у танилади, харидорларга маҳсулотни тақдим этади, агар шерик излаётган бўлса, ярмарка бунинг учун катта имконият яратиб беради ва ниҳоят — ярмарка дўстлар, касбдошлар, ҳамкорлар билан яқиндан фикр-мулоҳаза юритиш ва муаммоларнинг тўғри ечимини топиши учун ниҳоятда қулай. Бунинг учун ярмаркада божхона, солиқ қўмиталарининг, Марказий банкнинг, кичик ва ўрта бизнесни мувофиқлаштирувчи кенгашининг шаҳар бошқармалари, реклама, лизинг ва бошқа сервис хизматлари иштирок этади. Шу қаторда Республика хом ашё товар биржаси номидан ярмаркада битим тузиш комиссияси ҳам ишлайди. У келишув баъзини имзолаш, икки томонлама шартнома тузишда амалий ёрдам бериш билан машғул бўлади.

Ярмаркада кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг иштироки қандай бўлади?

— Бугунги кунга қадар ярмаркада 200 дан ортиқ ҳар хил мулк шаклидаги корхоналар иштирок этиши аниқланди. Кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлари ярмаркада 40 фоизни ташкил этади. Булар дори-дармон ишлаб чиқарувчи «Гербофарм С», тахтани қайта ишловчи «Махсум-ота», кичик ҳаж-

мдаги ускуналар тайёрловчи «ПГС», паркет ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Хабар-паркет», девор қўзғалари ва мебель анжумлари бўйича «Малтуз», тиш ювиш пастаси ва электродларни микрокристалл целлюлозасидан ишлаб чиқарувчи «Коралл» ва бошқалардир.

Ярмаркада қўшма корхоналар фаолияти ҳам кенг намоиш этилади. Жумладан, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи «МУМ», синтетик нитрон ипини йигирувчи Ўзбекистон-грек «Гелиос», Италия билан ҳамкорликда полихлорвинилдан қурилиш-безак анжумларини ишлаб чиқарувчи «Билдинг технолоджи», икки йўналишда фаолият

— Маълумки, яқинда пойтахтимизда «Ташаббус» талонининг туман босқичлари бўлиб ўтди. Биринчи мартаба савдо-саноат ярмаркаси доирасида ушбу талонининг беш босқичдан иборат шаҳар кўриги бўлиб, пойтахтимизнинг энг яхши тадбиркори ва энг яхши хўнараманди аниқланди.

«Ташаббус» — бу тадбиркорлар орасидаги танлов, шунинг учун саралаб олинган касб усталари ичида фақат битта энг яхшисини аниқлаш жори аъзоларига осон кечмайди. Йилнинг энг яхши тадбиркори ва энг яхши хўнараманди аниқлашда кўп омиллар ҳисобга олинади — унинг маҳсулотини экспорт, янги технологиялар жалб этилиши ва янги ишчи жойлар ташкил қилиниши ва бошқа кўрсаткичларга эътибор қилинади. Буларнинг ҳаммасини бир кишининг фаолиятида мужассам этилиши қийин, албатта. Шу туфайли қалдаги танловда танловнинг янги турлари кўзда тутилган ва улар ярмарка қулиари умумий ҳисоблардан

сўнг аниқланди.

Бундан ташқари, бу йилги ярмарка доирасида Ташкилоти алоқалар вазирлиги қўшида ташкил қилинган «Ўзинкоммарказ» имкониятлари мавзусида семинар ва «Истал» ишлаб чиқариш корхонасининг ҳамда «Менинг мулким» газетасининг тақдирлари бўлиб ўтди. Шу билан бирга, аввалги ярмаркаларга солиштирилганда, бу йилги ўтадиган ярмаркада барча виллоятларда фаолият қўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналари, республикамизда жойлашган дипломатик корпуслар ва чет эл фирмалари ваколатхоналари иштирок этадилар.

Фурсатдан фойдаланиб, барча тошкентликларни ва пойтахтимиз меҳмонларини ярмаркага ташир этиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг эришган ютуқлари ва имкониятлари билан яқиндан танишишларини истаб қоламан.

**Сўхбатдош
Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот гуруҳи аъзоси.**

Мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳаракатда

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида ва тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида тузилган шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгашининг ишчи гуруҳи ўзининг аънавий фаолиятини бошлаганида дастлабки ўтказилган «думалоқ стол» атрофидаги савол-жавоблардан маълум бўлди.

ОШКОРАЛИК РУҲИДА

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқарадиган, транспорт хизмати, қурилиш билан машғул бўлган кичик тадбиркорлар билан бўлиб ўтган давра сўхбатда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгашининг раиси Аҳмаджон Миржалолов, шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Раҳман Пулатов, шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Аневар Йўлдошевлар тадбиркорлар томонидан берилган ҳар бир муаммоларга аниқ ва тўлиқ жавоб беришди. Қувонарлиси шундаки, Олий Мажлисда бўлиб ўтган мажлисда ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар жойларда ўз исботини топаётганлигиндан ғоят мамнун бўлишди. Зеро, шаҳримизда фаолият қўрсатаётган йирик банклар тадбиркорлар учун иш тизимида мисли қурилмаган даражада узғариш қилганликлари қайд қилиб ўтишди. Шу боис тадбиркорлар томонидан берилган

кредит масаласидаги саволлар шу ернинг ўзига ҳал этилди. Яна шу нарса таъкидландики, қандай тизимда иш юритишдан қатъи назар тадбиркорлар шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига аъзоси, марҳамат, палатага мурожаат этиб, ўз муаммолари ҳақида маълумот бериб, қўмағини олсин, деган оқилона фикрлар айтилди.

«Чорва насл хизмати» масъулияти чекланган жамият раиси Уктам Саидов, «Tamaris Inc LTD» ўзбек-америка қўшма корхонасининг бош директори Миржалол Мирхамидов, «Фан-Дон» илмий ишлаб чиқариш бирамшаси бошлиғи Миржалол Ойматов, «Тури» хууссий фирмаси директори Радийон Сейфуллоевлар ва бошқа тадбиркорлар томонидан берилган саволларда бугунги кунда ҳар бир тадбиркорнинг иш юритишга ҳалал бераётган жиҳатлар таъкидланди.

Берилган саволларга мутасаддилар имкон қадар жавоб беришди. Қайта қуриб чиқилиши лозим бўлганлари эса ишчи гуруҳ иштирокида топширилди.

Гулзода АБДУЛЛАЕВА.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНТИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлиб ўтган Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссиясининг қўшма мажлисида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Хоразм виллоятида бажарилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида истеъмол бозори маҳмуи тизимидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари, юридик хизмат ходимлари иштирокчида шартномавий муносабатларга бағишланган семинар-кенгаш бўлди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Нўкус шаҳридаги 16-мактабининг 7-синф ўқувчиси Дилмурод Нуримбетовнинг «Қарлиғаш» («Қалдирғоч») журналида босилган «Ислом отам — ўзимнинг қорақалпоғим» сарлавҳали шеър муносабати билан ёш истеъод соҳибига мактуб йўллади ва унинг ўқиши, ижодига муваффақият тилади.

● Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти виллоятдаги олий ўқув юртлари орасида биринчи бўлиб магистрлар тайёрлашга киришди.

● Навоий тоғ-металлургия комбинати томонидан полиэтилен буюмлари ишлаб чиқарадиган завод бунёд этилди ва фойдаланишга топширилди.

● Пойтахт виллоятида бошланғич мактаб ва болалар боғчаларида инглиз тилини ўқитиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

● Чирчиқдаги «Ўзбекимёмаш» корхонасида илгарилари Россиядан келтирилмаган сув насосларининг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

● Навоий виллоятидаги «Истиклол» савдо-ишлаб чиқариш бирамшасида кирсовулар ишлаб чиқарадиган цех фойдаланишга топширилди.

● Буюк мутафаккир олим Абукосим Махмуд Аз Замаҳшарий таваллудининг 925 йиллигига бағишланган унинг юрти — Хоразм виллоятининг Қўшқўпир туманида илмий-амалий конференция бўлди. Унда қилинган маърузаларда буюк мутафаккир ижодий мероси ва диний жасоратининг мислсиз аҳамияти қайд этилди.

● Республика Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг АКШ халқаро тараққийот агентлиги — ЮСАИД билан ҳамкорликда савдо ва инвестициялар, тараққийотнинг глобал таълими лойиҳасини амалга оширишга бағишланган халқаро семинари ўтказилди.

● «Қорақалпоқфильм» студияси ижодий жамоаси Соғлом авлод йилига муносиб совға ҳозирлади. Ўзгучи А. Султонов асарига асосида суратга олинган «Бешик» ҳужжатли фильми экранга чиқди.

ЖАҲОНДА

● Вашингтонда Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банки делегациялари ўртасида ўтказилган музокаралар ниятида Ўзбекистонга 29 миллион доллар кредит бериш тўғрисидаги протокол ва лойиҳа битими имзоланди. Ушбу маблағ республикада шаҳар йўловчи транспортини ривожлантиришга йўналтирилди.

● Бугун БМТнинг инсон ҳуқуқлари ишлари бўйича Олий комиссари М. Робинсон Москвага келди.

● Бугун Сеулда Осиё — Тинч океани минтақаси мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлик ва яқинда рўй берган молиявий инқироз оқибатларини бартараф этиш масалаларига бағишланган кенгаши очилди.

● Кеча ГФР канцлери Г.Шредер расмий ташир билан Грузияга келди.

● Исроил Бош вазир Ехуд Барак Сурия билан муносабатлар ҳусусида баёнот бериб, бу мамлакат ҳали тинчликка тайёр эмас, деди. Лекин шундай бўлишига қарамай, у Исроил томони тинчлик музокаралари учун эшикларни ёнмаганини ҳам таъкидлади.

● Кеча Остона шаҳрида Шанхай бешлигига кирувчи мамлакатларнинг мудофаа вазирларининг йиллик учрашуви очилди.

● Хитой Жаҳон савдо ташкилотига кириш учун Европа Иттифоқи билан музокараларни давом эттира бошлади. Шу муносабат билан Европа комиссиясининг савдо-сотиқ масалалари бўйича вакили Паскал Лами Пекингга келди.

● Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе Тоғли Қорабоғ муаммосини ҳал этишда ўзининг восточитачилик хизмати кўрсатишини таъкид қилди.

● Кеча Покистоннинг ҳарбий раҳбари, генерал Парвез Мушарраф Индонезияга ташир билан жўнаб кетди.

● Индонезияда коррупция тўғрисидаги ишчи текшириш жараёнида собиқ президент Суҳартоннинг яқин сафдоши, «Боб» лақабли собиқ савдо ва саноат вазир Муҳаммад Хасан қамқоққа олинди. Кўп йиллар мобайнида у бошчиликл қилган компания мамлакатда мутлоқ монополия ўрнатиб, улкан бойлик тўплашга муваффақ бўлган. Тергов жараёнида Суҳартоннинг ҳам сўроқ бериши кутилаетир.

● Туркия парламенти яширин овоз бериш йўли билан коалицион ҳукуматнинг Конституцияни четлаб ўтган ҳолда иккинчи етти йиллик муддатга мамлакат Президенти Сулаймон Демирел номзодини кўрсатиш ҳусусидаги тақлифини рад этди.

● Руминияга ташир буюрган Европа Иттифоқининг делегацияси ушбу мамлакатда атроф-муҳитни соғломлаштириш учун камида 20 миллион доллар зарур эканлигини айтди.

● Исроилнинг собиқ бош вазир Беньямин Нетаняху қаллоблик, давлат маблағларини суиистеъмол қилиш ва одил судловни амалга оширишга ғов бўлиш бўйича ўзига қўйилган айбонлари рад этиб, телевидение орқали чиқиш қилди. Полиция суд идораларига собиқ бош вазир, унинг хотини ва икки нафар собиқ ходимиға расман коррупцияда айблов қўйишни тавсия этганидан сўнг, у мазкур баёнотни берди. Беньямин Нетаняху бу айбловларни маскаробозлик деб атаб, ўзига қарши ғаламислик қилинаётганини таъкидлади.

● Хитойдаги кинотеатрда содир бўлган ёнғин оқибатида 70 дан ортиқ киши ҳалок бўлди. Ёнғин ҳафсизлиги борадида чоралар қўрилмаганилиги боисидан шундай фожаия юз берди.

● Американинг Техас штатидаги Пасадена шаҳридаги кимё заводида кучли портлаш рўй берди. Шунинг оқибатида 50 дан ортиқ кишига шикаст етган.

● Исроил ҳарбий-ҳаво қўучларига қарашли «Ф-16» русумли кирувчи самолёт Ўртаер денгизни устида ҳалокатга учради. Икки учувчи бедарак йўқолган.

● Австриянинг Капрун тоғ-чанги кўрсатида юз берган кор кўчиши оқибатида 11 киши ҳалокат қўз юмди. Ҳалига қадар топилмаган ана бир неча нафар қанғичиларнинг ҳаёти ҳавф остида қолаётир.

Футбол

«ТРАКТОР»НИНГ УЧИНЧИ ҒАЛАБАСИ

Ўтган кун Ўзбекистон миллий чемпионатининг учинчи тур учрашувлари ўтказилди.

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоеви бу сафар «Сўхондорё» меҳмони бўлди. Аммо, бу йилги сафардаги биринчи учрашу «Пахтакор» учун кўнгилсиз тугади. Яна мағлубият аламини тотиб қўрган жамоеви йирик 0:3 ҳисобида имкониятни бой берди.

Учинчи мартаба ўз майдонидида ўйнаётган пойтахтимизнинг олий лигадаги иккинчи жамоеси — «Трактор» эса «Сўхондорё»ни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Хоразм» — «Зарафшон» — 0:1, «Тўрон» — «Самарқанд-Динамо» — 1:2, «Бухоро» — «Темирйўли» — 2:0, «Қизилқум» — «Навбахор» — 0:2, «Нефтчи» — «Кимёгар» — 3:0, «Андижон» — «Дустлик» — 1:1, «Насаф» — «Семур» — 2:1, «Металлурги» — «Гулистон» — 1:0.

Чемпионатнинг тўртинчи тур учрашувлари эртага бўлиб ўтади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ.



Шахримиздаги «Сувсоз» трести ҳар кун пойтахтимиз аҳолисига 2 миллион 700 минг кубометр сув етказиб бериб, эл оқшомига сазовор бўлмоқда. Айниқса, улар кўп қаватли биноларда яшовчиларни узуксиз сув билан таъминлаб туршидек юмушнинг уйдасидан чиқиб, сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Саноат

СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ



Бугунги кунда шахримиз бўйича сув ўтказгич қувурларининг узунлиги 3624,6 километри ташкил этади. Шу билан бирга 2420 километрлик оқова сув тармоқлари ҳам мавжуд. Кўп қаватли биноларга сув кўтаришга мўлжалланган 112 та насос станциялари ишлаб турибди. Бу иншоотларнинг барчасини мазкур трест жамоаси таъмирлаб, назорат қилиб туради.

— Бизнинг вазифамиз пойтахтимиз аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш, — дейди трестнинг бош муҳандиси Виталий Криженков. — Бунинг учун бизда барча шаришлар етарли, жамоамиз ишчилари ҳам аҳил ва ўз ишининг уста билимдон-

лари. Аҳолига ичимлик суви етказиб турадиган йирик қорхоналардан Қодирия, Бўзсув ҳамда Қибрай ичимлик суви хавзалари-дир. «Жанубий» сув етказгич станцияси эса бирлашган сувсувчи хавзалари бирлашмасининг асосийси бўлиб, Сирғали, Бектемир, Қорасув сув хавзаларини таъминлайди. Бугунги кунда ичимлик сувининг 72 фоизи очик булоқлардан чиқади, қолган 28 фоизи эса ер ости суваридан олинади.

Биргина Қодирия сув хавзасини олганда, унинг умумий майдони 180 гектарни, бир қуний қуввати эса 1 миллион 375 минг кубометрни ташкил этади. Бу сув ўз оқими орқали 7 та сув етказгичлар орқали

пойтахтимизга етиб келади. Бугунги кунгача ичимлик суви бўйича ҳеч бир узилгиш ҳоллари учрамаган. Ва бундан кейин ҳам ана шундай бўлиб қолади.

Усмон УСМОНОВ. СУРАТЛАРДА: Қодирия сув хавзаси лабораторияси бошлиғи Оқжон Қориев ва бахтиёрлик муҳандиси Турсуно Умбетова; Бектемир тумани бошқармаси ичимлик ва оқар сув чилангари (чапдан) Маннон Умурзоқов, бошлқ Раҳимжон Назаров, диспетчер Даврон Ақромов ва ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Гулнисо Зойтова.

Муаллиф олган суратлар.



Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлар қорўқсининг янги таркиби фаолият бошлаганига ҳам уч ойдан ошди. Ушбу вақт ичида унинг доимий комиссиялари ташкил этилиб, уларнинг биричи нобатда амалга оширадиган вазифалари белгиланганлиги.

Ешлар сисёти ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиянинг фаолияти ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаш юзасидан вазифаларни ҳал этишга қаратилган. Шунинг таъкидлаш жоизки, депутатлар гуруҳлари ўрта-ишда шундай комиссияни ташкил этиш гоёси ҳам айнан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларига тегишлидир. Ва улар томонидан белгиланган режаларга назар ташлар эканмиз, комиссия аъзолари жиддий фаолият кўрсатадилар, дея дилал айтишимиз мумкин.

— Дарҳақиқат шундай, бироқ натижаларга дарҳол эришимиз қийин келди — бунинг учун биз республикамизда ешлар сисётини амалга ошириш умумий механизмнинг дастлабки таъиниш ва унинг ишда солишимиз керак, — дейди доимий комиссия раиси депутат М.Расулова. — Шу сабабдан биз ушбу масалани умумлаштириб асосий эътиборини аниқ муаммоларга эмас, балки ешлар сисётига қаратдик. Зеро, битта муаммонинг ҳал этилиши кўпгина бошқа бир қатор муаммоларнинг юзасига келишига олиб келади.

— Бунда депутатлар ўз кўп ваколатли ташкилотлар масъулиятида ишчи, масалан ешларнинг «Қамолот» жамғармаси вазифаларини бажармайдиларми?

— Авваламбор шунини айтиш керакки, «Қамолот» жамғармаси асосий вазифаси ўз кўчларидан келиб чиққан ҳолда ўсиб келатган авлодга қўмаклашиш ва уни қўллаб-қувватлаш

ятларини амалга ошириш, уларнинг бир мезбурда фаолият кўрсатишлари учун барча шароитларни ташкил этишга йўналтирилган. Уларга таъинган ва тараққийётнинг ҳозирги босқичига долзарб вазифаларини ҳисобга олган ҳолда комиссиямиз ўз фаолиятини қуйидаги учта — ешларнинг маънавий жиҳатдан ривожлантириш, ижтимоий сисётини амалга

Доимий комиссиялар фаолиятдан Ягона Мақсад йўлида

булган республикадаги ягона ташкилотдир. Шу сабабдан жамғарма олдида пайдо бўладиган муаммоларни депутатлар билан ҳамкорликда ҳал этишимиз мумкин, деб уйлайман. Бошқа тегишли тузилмаларнинг бевосита вазифаларига тўхталдиган бўлсак, улар билан биз жипс ҳамкорлиқни йўлга қўймоқчимиз. Зеро, илгари таъкидлаб ўтганимдек, бизнинг асосий мақсадимиз — давлатимиз ешлар сисёти механизмининг тўлалигича ишга туширишидир. Бунинг учун мустаҳкам асослар бор — 1991 йилиёқ «Ешлар сисёти тўғрисида» Қонун қабул қилинган бўлса, ўтган йили шаҳар ҳокимиянинг қарори билан узоқ муддатта мўлжалланган ешларнинг комплекс дастури тасдиқланди. Ҳар иккала ҳужжат бир-бирини тўлдирган ҳолда ешларнинг конституцион ҳуқуқлари ва мажбури-

ошириш, жумладан, ўсимлар ва қизларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг тўла ёки қисман иш билан бандлигини таъминлаш, «Соғлом авлод» давлат дастурининг баъзиларини тўла татбиқ этиш йўналишлари бўйича бажаришни режалаштирган.

Энг муҳими, комиссиямиз қошида учта ишчи гуруҳини тузганимиз ва улар таркибига депутатлардан ташқар кўпгина соҳаларнинг мутахассислари кириди. Зеро, биз буюк келажак қуриш учун жисмонан соғлом, маънавияти юксак, иқтидорли, юқори тафаккурга эга ешлардан мустаҳкам пойдевор қуришимиз керак. Уларгагина ўз келажакимиз ва мамлакатимиз тақдирини ишониб топширишимиз мумкин.

Ильмира ШАРОФУДИНОВА.

(Давоми. Боши газетанинг 35-сониди)

Ажиб шаҳри дилфиребдур, бировдан сўрадимки, бу шаҳарнинг отини нима дерлар, қайси подшоҳга тааллуқлидур? Ул киши дедиким, магар мусофирдурсен, билмайдурсанки бу шаҳар Мусаххир жоду фармонидадур. Тезроқ йўлингни олғил, агар сени билса ҳам қабохат қилур — деди. Мен Мусаххир жодунинг перьолларин эшитган эрдим, бир нафас турмасдан биёбон тарафига қочдим. Мусаххир жодунинг бир қизи бор эркан, исми малика Гулгуна эркан. Отаси камоли муҳаббатидин анга атаб шаҳар ташқарисиди бир бустон бунёд айлаб, ул бустонга қасрлар қуриб, хизматкорлар билан қасри олийга қўйган эркан. Ул бустон қаср мен гулроҳнинг йўлини устиди эркан. Ойнаи жаҳон намодин малика Гулгунанинг қизи менга тушиб, хизматкор қизлардан уч-тўрттасини буюрибдур, ул паривашлар олдимда пайдо бўлиб, салом айлаб, ҳар томондин илтифотлар алаб қасрга тақдир айладилар. Жилваимдин туттиш, нозу қарашмалар билан қўймадан ул бустонга олиб бориб, иззат-икром билан отдан кўтариб олиб, малика Гулгуна хузурига дохил айладилар. Малика ўрнидин туриб, тавозеълар қилди. Боксам гўё бир гавҳари яғонадур, ани айшлари ҳам гулдастайни нигориндекдур. Ул туриб дуо айладим. Малика мархабо деб пив-ла тутиб, қўз-қошлари билан имойи маҳбубоналар билан илтифотлар қилур эрди. Дарҳол юғуриб бориб пивлани олдим. Пойгоҳга тушиб нўши жон отмак бўлсам, қўлимдин тутиб ўз ёнидин жой берди. Талатўф айлаб, бода нўшиқ билан саргарам айлаб дедиким, эй жавонмард азиз фурсат ганиматдур, андак таваруқда бўлғил айш вақтидур — деб, мени фирефта айлаб, базм қонунда дунёдин беҳабар ўлтириб эрдик. Ногоҳ Мусаххир жоду қизини кўрмак учун келди. Вақт танг бўлиб мен пинхон бўлмамдим. Кўрдиким, малика билан бир ердимиз, ёнидин ханжарини олди ва малика билан мени пора-пора қилмоқча шайланди. Маликанинг дояси туриб дедиким, эй шох бир дами туринг, икки калима арзим бор, агар мақбул бўлса ҳўбдур вагарна ўзлари билурлар — дегач, Мусаххир жоду эшитмоқ бўлди. Доя дедиким, бу оламда ҳар жондори бордур, ҳўфт бўлмоқ сифати билан насллар ва авлодлар зуҳурга келур. Энди маликам балоғатга етибдур, бир қобил йигит бўлса, маликамизни тўй қилғайлар. Ушбу йигит ҳам калонзода қўринадур. Холо бу бодаб бўл йигитда гуноҳ йўқдур, гуноҳ ўзимизда — деб, мундоғ афсунлар ўқиди. Шох қизига деди, сен нима дерсан? Қизи дедиким, қўз-

қўзга тушиб ҳамжалис (ҳамсўхбат) бўлинди. Агар никоҳ бўлса ҳам жоиздур — деди. Мусаххир жоду дояга боқиб дедиким, ҳар ким домодлик (куёв бўлишни истаса) тиласа уч шарт бордур; биринчи шарт бир жўра мурғи парирў пайдо айлалур. Иккинчи шарт муҳрайи мори сурхни (қизил илон) ҳозир қилсун. Учинчи шарт рағаниқўшга (қайнаб турган ётга) кириб чиқса кифоя қилур. Андоғ одам тожу тахт ва ҳам малика Гулгуна анинг қадди-га муборак бўлғай, бўлмаса йўлини олсин — деди. Мен нотавонда бу уч шартнинг ўқдасиндин чиқмоқ қудрати бўлмагани учун мени шаҳардин эҳрож айладилар. Ишқ муҳаббатнинг лашкари билан ушбу дашти балоҳезде саргардон йиғлаб юрмоғимни боиси булдур — деб, яна оху нолалар қиларга турди. Хотамни

дур? Ул айтдиким, ўтти шўласидин қўғон қўғиралари тўғуниқдин мушоҳада айладик, етти боши бордур, олти боши шеринг бошига ўхшар, яна бир боши филин бошига монандур, ҳартуми ҳам бордур. Оёқлари саккиз ададдур — деди. Хотам деди ул жониворни отини Сахмоқ дерлар. Энди бул одамларга айтинлар менга бир бақувват камон билан уч-тўртта ўқ берсунлар. Оллоҳ таоло қарам билан ул жониварни дафъини қилай — дегач, бу сўз халойиқга машҳур бўлди. Хотам айтганидек камон билан бир неча ўқ муҳайё қилиб бердилар. То ярим кечагача ҳамсўхбат бўлдилар. Ўтинларга ўқ қўйдилар. Хотам булардин фотиҳа олиб, қўғондин чиқиб ул жонивар келадурган йўлига борди. То ярим кеча бўлди, ул жониворнинг асарини пайдо бўлди. Ҳар бошидин бўлақ овоз келур эрди. Қалъанинг олдида қўғир бўлган тўхтади. Хотам вақтини ганимат биллиб, ўқ ёни маҳкам тутиб, фил сурат бошида уч қўзи бор эрди, ўрта қўзини нишонга олиб, бир зўр уриб оллоҳу акбар деб, ўшал қўзига урди. Яна бир тарафдин паррон ўтди. Бир овози бадҳайбат айлаб, бир ағдарилиб ерга йиқилди, жаҳон ларзага келди. Боз ўрнидин туриб биёбон йўлини олди. Ани ўлгани ёки ўлмагани маълум бўлмади, то халықча кетиб борадур. Хотам саҳъдайи шўрона

Доимий дандлар хазинасидан ХОТАМНИНГ УЧИНЧИ САФАРИ

анга раҳми келиб дедиким, эй Комил новжавон ҳам емағил сени учун тарадудлар айлаб, мақсудингни қўлингга киритмоқча сабаб бўлсам, ажаб эрмас, сен мунда дуода бўлғил — деди.

Энди Хотамни мурғи қариў учун жангали Мозандаронга борганидин эшитинг. Комил новжавон билан видолашиб, яна биёбон йўлини олди. Йўлда боратуриб дедиким, қайнаб бораёйин, то жангали мазандаронга бормасам, мурғи парирў ўзга ердан пайдо бўлмаса керак — деб, Мозандарон йўлига қадам қўйди. Паст-баландларни, қум барханларини сайр айлаб, таваккали алло-таолонга қилиб борур эрди. Баноғоҳ бир вилоятга етди, кўрдиким қўғонларга ҳаддин ташқари баландур. Ул қўғоннинг атрофига ҳар хил ўйинлар йиғибдурлар, жамият қўлдур, Хотам биридин сўрадиким, бу нечук асрордурки, мунча одамлар тарадуд айларсизлар? Ул жавоб бердиким, неча муддатдур бу вилоятга бир балойи юз қўйғандурким, анинг офатидан асло қутулурга имкон йўқдур. Ҳар кеча келиб, одам нобуд айлаб кетар, бул сабабдин ахтиёт айлармиз. Бу ўтинлар ани учун-дурким, ўтдин, тутундин андак ҳуркиб турар. Хотам дедиким, ул жониварни сурати нечук

айлаб, санолар ўқиди. Бул кеча ўтди. Хотамни одамлар саломат қўрдилар, Хотамдин аҳвол сўрадилар, Хотам воқеани баён қилди. Булар Хотамни бул кун зиёратлар қилиб ҳушуд қилдилар. Кеч бўлди, боз ўтин йиғишга турдилар. Хотам дедиким, эй азизларим ул офат сизлардин дафъ бўлди Оллоҳ-таолонинг қарам билан — деди. Алқисса, ул кечани ҳам ўтқардилар, ул балодин нишон бўлмади ва ахли вилоят Хотамга илослар айлаб, кўп назоратлар бердилар. Хотам ҳамма назоратларни фақирларга тақсим айлаб бағишладилар.

Энди Хотамни жамоий жинларга учрашганидин эшитинг. Бул вилоят ахли билан видолашиб, Мозандарон йўлига тушиб, ҳаддин эиёда ажиб-ботларни тамошо айлаб борур эрди. Бир кун бир жойда икки аждаҳо монанд илонлар жангуги жалалда эрдилар. Бирон одам ва бири қорандур. Андоғ чирмашиб урушар эрдиларким, бири-бирини пора-пора отгудек. Хотам алар олдида бориб, ўртасига кириб дедиким, эй Оллоҳ-таолонинг бандалари, сизлар нимани талашурсизларким, мунча урушурсизлар, яратган ҳоликдан қўрмайсизларми — дегач, бири-бирини жудо бўлдилар.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган. (Давоми бор).

Бўш вақтингизда

БОШҚОТИРМА

Ёйлар бўйича: 1. Нознеъмат сироблиги. 2. «Қуръони Карим»даги энг кўп оятли сура. 3. Америка қитъасидаги давлат пойтахти. 4. Бурчак ва айлана ёйнинг ўлчови бирлиги. 5. Ип ўрама. 6. Иш жониворларига ортб юз ташинда фойдаланиладиган чорқирра идиш. 7. Хоккей ўйини ватани. 8. Касбини ўзлаштириш асосида орттирилган маҳорат. 9. Шерий топишмоқ тури. 10. Бахрайн давлати пойтахти. 11. Ҳисоб илмидаги вазифа тури. 12. Шота Руставелининг «Йулбарс терисини ёпинган паҳлавон» асари қаҳармони. 13. Меҳнатни уйда ёлланб ташкил этиш. 14. Шахмат тартибиди оралатиб гул тикиш усули. 15. Амалга оширилган фаолиятдан эришилган натижа. 16. Маҳсулотни доналаб сотиш. 17. Эшиқ, деразанинг бир бўлағи. 18. Институт ўқувчиси. 19. Ёриб майдаланган ўтин. 20. Енгил, майин шамол. 21. Маълум бир уруғ — авлодларнинг келиб чиқишига оид ҳужжат. 22. Бинога ган-

МУАММОНОМА

Авалло қуйида таърифланб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқичини ечинг.

1. Назмий асар тури — 17, 6, 5, 4, 6, 12.
2. Халқ достонларини қуйловчи ижодкор — 8, 1, 7, 13, 2.
3. Мусиқа асбобини чапиш соғласами — 10, 11, 3, 9, 6, 8.
4. Гузаллик маликаси деб таърифланувчи ўсимлик — 15, 14, 16.

Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммонимни ҳал этинг. Бунда улардан қаторлар бўйича ўқиш билан мумтоз ижодкор, маърифатпарвар Аҳмад Доимий ҳикматларидан бирини билиб олишга эришасиз.

Тузувчи

Фозилжон ОРИПОВ.

«Умр лаҳзалари» туркумидан

ДАВОСИЗ ДАРД

Болалиқдан ўсиб ўлғайган дўстим узоқ йиллар давомида ҳалол хизмат қилиб келган қорхонасида бахтсиз ҳодиса туфайли шикастлиқ ноғирон бўлиб қолди. Мана бир неча йилдирки, уйдан кўчага чиқолмай қолган...

Одатимга кўра ҳафтанинг шанба куну тушдан сўнг дўстимдан хабар олгани уйига бордим. Ҳол-аҳвол сўраш асосида унинг чеҳрасидан кайфияти ноҳушлигини сездим, аммо сўрашга журъат етмадим. Дўстим эса буни менга сездирмасликка ҳаракат қиларди. Орадан бироз фурсат ўтган, қўзларини шигга тикканча синик овоз билан дилини ёрди:

— Эҳ дўстим, ҳадеб бир жойда ётаверганингдан кўнглингга ҳар хил хаёллар келаверар экан. Биласан, рўзгоримда кам-у кўст йўқ. Худода шўқ, фарзандларим эл қатори ишлаб ҳеч нарсасга зориқтиришавтгани йўқ. Ака-укаларим, қариндош-уруғларимдан, сен каби дўсту биродарларимдан, маҳалладорлардан миннатдорман, ёлғизлатиб қўйишмади. Аммо бир андиша мудом қалбимни ўрттайди, алам тирноғи билан бағримни тирнайди. Хабаринг бор тунни кунга улаб меҳнат қилдим. Қорхона иши деб оиладаги ҳузур-ҳаловатдан кечдим, кези келганда қариндошларнинг тўй-ҳашамларига ҳам вақтида катнаша оламдим. Ҳол-аҳвол у ёқда турсин ҳеч бўлмаса байрам қўнларида ҳам...

Дўстимнинг бўғзига бир нарсаси тикилгандек сўзини тугатишга мадори етмади. Кўзидан афсус-надомат ёшлари оқарди...

Хаста ўртоғимнинг дилидаги дардини дарҳол англадим: бу — соғлом пайтида ишонгани учун керак бўлганда қадри бўлган инсоннинг боши ёстиққа текканда қадрига етмаган раҳбар ва ҳамкасбларининг оқибатсизлик дарди эди.

Халқимизнинг асрий тажрибасидан келиб чиққан бир ҳикмати беҳитиёр ҳаёлимдан ўтди:

**«Ҳарнинг кучи ҳалолу
Лек ўшиси харом».**

ЎГИТ

Бобо зварасига юзланди:

— Чароғим, ҳаётда оқар сув каби яша. Қара — у тинмай оқиб тургани учун ён-атрофи покиза, қўм-қўқ майсага бурканган. Юзи доимо зилол, ҳаётбахш. Мақсади — кенг уммонга бориб қўшилишидир.

Энди анави тақир ерда тўлпаниб қолган қўлмакка назар сол. Харақатсизлиқидан юзи сарғайиб, атрофини сассик алафлар қоплаган. Унинг бадбўй ҳидидан нафакат инсон зоти, ҳатто ҳайвон ҳам оғиз-бурнини бекитиб ўтмоқда. Вақт ўтиши билан на инсонга, на жонзотга нафи теғмай исзис қуриганини ўзи ҳам сезмай қолади.

ҚУРИГАН ДАРАХТ

Устоз руҳини ёд этмоқ — хайрли иш. Аммо унинг ҳаётлик чоғида дуосини олмоқ ташна лабларга оби ҳаёт тутиш билан баробардир.

Бир замонадошим ўз вақтида уни тетапога қилиб шўқрат пиллапоёсига олиб чиққан «қасб падар»ини қадрламади, тўғрироғи унга ёшлиқ гўрлиги ва мансаб гурури йўл қўймади. Аксинча, беозор, ҳалол устозни ёлловчиларга нисбатан адоват иғнасини санчадиган бўлди. Ҳозир у кексайган. Фарзандларидан нажот йўқ. Танҳо илинжи — ҳаром-хариж йўл билан топишган омонат мол-мулки. Унинг тамағирлигидан қутилган шогирдлари қўлларини ювиб қўлтиғига урган.

